

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 57 (1577)

20 март, 1960 йил, якшанба

Баҳоси 20 тиийн.

ВАТАНИМИЗНИНГ ЖАСУР ФАРЗАНДЛАРИ

ТИНЧ ОКЕАННИ БЎЙСУНДИРГАНЛАР НЬЮ-ЙОРККА КЕЛДИЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 18 март. (ТАСС). ТАСС мухбири В. Богачев ва В. Колокольников хабар берадилар: Нью-Йоркдаги Айдауид аэропортида одадгадид жонланиш ҳукм сурмоқда. Американинг ана шу жуда катта шаҳрини дунёдаги кўп давлатлар билан ва мамлакатнинг муҳимроқ аҳамиятга эга бўлган деярлик ҳамма марказлари билан боғловчи самолётлар аэропортдан кетма-кет парвоз қилмоқдалар ва бошқа жойлардан келган самолётлар қўниб турибдилар.

Аэропорт шодона кутиб олишлари кўп кўрган, лекин бутунги кутиб олиш тамомида бошқачадир. Тинч океанда сузиб юрган тўрт совет қаҳрамони туганган кунларининг Сан-Францискодан келишини кутмоқдалар.

Бу ерда самолётни кутиб олиш учун кўп киши тўплайди. Булар орасида АҚШдаги совет элчихонасининг ходимлари, СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий ваколатхонасидаги совет дипломатлари, совет журналистлари, Америка мухбирлари, фотомухбирлари, кинохроника ва Америка телевидениесининг операторлари бор эди.

18 мартда Москва вақти билан соат 1 дан 50 минут (маҳаллий вақт билан 17 март соат 17 дан 50 минут ўтганда) «Трансворлд» айр-

лайн» компаниясининг рейс самолёти аэропорт биноси ёнига келиб қўнади. А. Зиганшин, Ф. Поплавский, И. Федотов, А. Крючковскийлар самолётдан чиқадилар. Фотоаппаратлар, кинокамералар суратга олаётган эдилар. Совет кишилари қаҳрамонлар ёнига келадилар. СССРнинг ҳарбий денгизи атташеси контр-адмирал В. Д. Яшин мард солдатларни қучоқлаб ўпади. Б. Д. Яшин уларни кучли тўққинли океанда кўп кунлар мобайнида қаҳрамонона сузиб юриш муваффақиятли тугалланганлиги билан табриқлайди.

Шонли совет жаңгчиларига тугалластар тақдир этиладилар, совет кишиларидан олинган кўп телеграммаларни топирадилар. Бу телеграммаларда уларнинг мислизи мардлиги, сабот-матонатидан хурсандлик ва қардошларча меҳр-муҳаббат туйғуларини изҳор қилинган.

Самолётда келганлар ва кутиб олувчилар аэропорт биносига қараб бўл оладилар. Бу бинодаги махсус матбуот бўлмасида Америка телевидение компаниялари, газеталар, телеграф агентликлари ва мухбирлар совет эшларининг афритига яна тўпланадилар. Мухбирлар уларга дўстона эътибор билан эркин вазиёда кўп саволлар берадилар. Иван Федотов саволларга жавоб қайтариб бундай дейди: «Биз сўнги дамгача қуту-

лишдан умидимизни узмадик. Биз, Америка авианоси «Кирсарж» экипаж аъзоларига бизга ёрдам кўрсатганликлари учун чин кўнгимиздан ташаккур изҳор қиламиз. Биз Ватанимизга қайтиб боришни сабр-сизилик билан кутмоқдамиз».

Мухбирлар суҳбат вақтидаги гапларини блокнотларга ёзиб оладилар. Зиганшин, Федотов, Поплавский ва Крючковский ҳамда уларни кутиб олувчилар СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий элчихонасининг Гленковдаги дачасига жўнайдилар. Улар Ватанга қайтиш олдидан бу ерда бир неча кун дам оладилар.

Баҳодир жангчининг оиласида

ЧЕМЕРОВЦИ (Хмельницкий области, ТАСС). Стихияга қарши курашда шонли қаҳрамонлик кўрсатган тўрт қаҳрамон совет жаңгчиларидан бири — Филипп Григорьевич Поплавскийнинг онаси яшаб турган уйнинг эшиклари бир неча кундан бўён эртдан кечгача доим очик.

62 ёшлиқ Александра Юлиановнанинг уйи эфр хурсандлик билан тўлди. У ўз ўғлини яхши, чинакамига тарбиялади, унинг тўғрисида ифтихор билан сўзлайди. Мама шу меҳнатсевар ва аҳил оиланинг кензаюй фарзанди Филипп жуда қудуқ бола бўлиб, у мактабда ҳам, кўрилиш бригадасида ҳам доим ёшларнинг дили-жони эди. Филипп етти йиллиқни тамомлагандан кейин кўрилиш бригадасида ишга келган эди. Гайрат-шижоатга тўлган ана шу йигитча ҳамма нарсаларда утқира — ахши ишларда ҳам, уй-ўзғорда онасига ёрдам беришда ҳам, баҳий ҳаваскорлик тўғрисидаги конкурс-турналарда ҳам ва спорт билан шуғулланишда ҳам Филипп доим намуна эди. У, болалик чоқларидан бери, дўстлик бўлишни ороу қилди. Солдат формасини кийганидан кейин у ўз ораусига содиқлигига қолди.

— Филиппдан доим кўнглимиз тўн эди, — дейди Александра Юлиановна, — унинг бўш келмаслигини билар эдик ва унга ишонар эдик.

— Бизнинг солдатларимизни қўтариб қолган америка денгизчиларига биз чин кўнглидан ташаккур айтмаиз. Доим ҳам ана шундай бўлиб: бир-биримизга ёрдам бериб, дўстликда яшаш урушдан ахшироқдир.

Қалбимиз сиз билан бирга

Шу кунларда бутун дунёдаги миллионларча кишилар океан стихиясини енгиб ўтган тўрт совет қаҳрамонининг номини хурсандлик билан тилга олмақдалар. Урта Осеи политика институтининг механика факультетининг студентлари уларнинг қаҳрамонлик зафарларини қизгин муҳокама қилмоқдалар.

Тинч океан флотидан бўшаб кетган матрос, 5-курс студенти Руслан Раҳматбеков бундай дейди: — Океан нималигини ахши билмаман. Океан шафқатсиздир, совет коллективда тарбияланган инсак иродали кишиларгина уни енган оладилар.

Иккинчи курс студенти Лариса Степанянц қўлида газета турган ҳолда суҳбат қилувчилар ёнига келди.

— Мен Ватанимиз шухратини яна бир марта оширган совет жаңгчилари тўғрисида ўйлаб тутиб бўлиб ухламай қиздим. Ана шу ажойиб ёшларнинг соҳлари ўсган, ҳориган чеҳраларини, уларнинг бир-қатра ёмғир сувиини баҳам кўрганликларини, чармдан овқат таёёрлаганликларини бир лаҳза эсга туширдим ва совет кишии ҳаёт деб ҳар қандай қийинчиликларни ҳам енгишга қодир эканлигини англадим. Қаҳрамонларнинг ота-оналарига хат ёзиб юборайлик...

Студентларнинг ҳаммаси бу фикрни қизгин қўллаб-қувватлади. (ЎзТАГ).

ЯДРО ҚҲРОЛИНИ ТАҚИҚЛАШ ПРОБЛЕМАСИ ТЕЗРОҚ ҲАЛ ҚИЛИНИШИ КЕРАК

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев «Қуруланиш бўйича ўтказилган музокара»лар ва ҳукуматлар бошқаларининг Парижда бўладиган учрашуви ҳақида ядро қурулини батамом таққиқлаш ва йўқ қилиш проблемаси тез-фуратда ва узи-кесна ҳал қилишда, деган ишонч берган мумкинлиги, мамчиликларини йўқотиш учун кураш олиб бормаслик — амалда танқидни бўғиш деман бўлади.

Партия органлари ва газета редакциялари ишчи-деҳқон мухбирлар ҳақиқатининг янада ривожланиши учун, матбуотда босилиб чиққан материалларнинг таъсирчанлиги учун кураш олиб боришлари керак. Газеталарнинг танқидий материаллари мамчилик ва ҳаётларни тезликда йўқотишга ёрдам бериши билан бирга, ҳодимларни хотиржамлик ва ийбонлиқ кетиш ҳавфидан ҳам халос қилади. Газета сигналларига жавоб беришда йил қўймаслик керак. Ҳар бир раҳбар ҳодим газета материаллари юзасидан текшириш ўтказганда масалага партиявий нуқтаи назардан, давлат ва халқ манфаатларини ҳисобга олишдан қарайиш керак. Бу муносабат билан у, АҚШ ҳукумати ядро қурулини йишлаб чиқариш сирларини ёки Америка ядро қурулиниги ўзини ўзи йиттириб қўйишига бериш интида эканлигига эътиборини жалб қилади.

Совет ҳукуматининг бошлиги дедик, ядро қурулини таққиқлаб, уни давлатларнинг қурул-йоргалари қаторидан чиқариб ташлаш ва унинг ҳамма запасларини тугатиш тўғрисидаги қарор ядро қурули билан, шу жумладан, бу қурулнинг дунёда тарқалиши билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни тез ва узи-кесна ҳал қилишга имкон беради. (ТАСС).

ХОРАЗМ ГАЗЕТАСИНИНГ ЮБИЛЕИ

Область меҳнаткашлари «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 40 йиллик юбилейини кенг нишонладилар. Район марказларида, қолхозларда, саноат корхоналарида Хоразм матбуотининг шонли тарихи ҳақида суҳбатлар, лекция ва доклады ўтказилди. Урганчада қишлоқ мухбирлари ва газетхонларнинг кўп кишилик йиғилиши бўлиб ўтди. (ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида


Ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларининг — кечки (сменали) ва сиртки ўрта умумий таълим мактабларининг ўқитувчилари, директорлари ва илмий мудирилари, шунингдек мактаб инспекторларининг иш ҳақи тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларининг — кечки (сменали) ва сиртки ўрта умумий таълим мактабларининг ўқитувчилари, директорлари ва илмий мудирилари, шунингдек мактаб инспекторларининг иш ҳақи масаласини қўриб чиқиш, тегишли қарор қабул қилдилар.

Шу қарор билан ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларининг — кечки (сменали) ва сиртки ўрта умумий таълим мактабларининг педагоглари ва раҳбар ҳодимлари олаётган иш ҳақи 15 процент оширилади. Улар

1960 йил биринчи апрелдан бошлаб бошланғич, тўлиқ сиз ўрта ва ўрта мактабларининг ўқитувчилари, илмий мудирилари ва директорлари олаётган иш ҳақини оладиган бўладилар.

Район, шаҳар, округ, область (ўлка) халқ маорифи бўлимларидаги ва автоном республикаларнинг маорифи министрликларидидаги, шунингдек район ижроия комитетларининг халқ маорифи инспекцияларидаги мактаб инспекторларининг илгари белгиланган оқдадлари ҳам 15 процент оширилади.



Оржоникидзе районидида «Маданият» колхозида техника экишга тахт қилиб қўйилди. Квадрат-улаб чигит экатиган етти ағ регат, айниқса, сифатли ремонтдан чиқарилади. Суратда: (олдинги қаторда чапдан) бригадда механикнинг ёрдамчиси И. Иноғомов ва тракторчи Х. Соляев ўртоқлар янги СХТВ-4 селласини регулировка қилмоқдалар.

МАТБУОТ СИГНАЛЛАРИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Совет Иттифоқи Коммунистлар партиясининг XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети... (The text continues with a discussion on the importance of the press and the role of the Communist Party in the Soviet Union.)

«Матбуот, — дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев, — партияимизнинг энг кучли гоғийи қурулидир. Агар биз газета ва журналларимизнинг материалларини яхши танлар эканмиз, неча минг километр масофадан мулкани тўғри ола билмасиз, беперо мамлакатимизнинг ҳамма қисмида камчиликларини очиб ташлай оламиз».

Совет матбуоти — социалистик ҳаётимиз ойнаси, миллионлар минбаридир. Бизнинг мамлакатимизда оташин совет ватанпарварларининг ҳаётини, ҳаётининг суратга ёритилган, уларнинг фикри ва ороуларини ифодалайдиган чинакам халқ матбуоти яратилди. Ҳозирги вақтда миллионларча меҳнаткашлар матбуотини коллектив пропагандист, агитатор ва таъшилотчи деб билиб, унга актив қатнашмоқдалар. Меҳнаткашларнинг матбуотдаги актив иштироки эътиборини — совет демократияси ва халқ ташаббусининг энг ёрқин ифодаларидан биридир.

Мамлакатимиздаги буюк социалистик ўзгаришлар газеталаримиз атрофидаги авторлар активининг ҳам кифосини бутунлай ўзгартириб юборди. Айниқса КПСС XX съезидий кейин ишчи ва деҳқон мухбирларининг оммавий ҳаракати янги юксалиш босқичига кирди. Ҳозирги ишчи ва қишлоқ мухбирлари орасида саноат корхоналарининг пешкадаги кишилари, қолхоз ишлаб чиқаришининг илҳомкор новаторлари, қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари, совет интеллигенциясининг вакиллари — ўқитувчилар, врачлар, инженер-техниклар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ходимлари бор.

Коммунизм қурилишининг ултувор иши учун фидокорона курашадиган, матбуот ороли бу ишга ўз ҳиссаларини қўиш учун йнталадиган қаламкашлар халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида эришяётган жуда катта муваффақиятлар, етти йиллик қаҳрамонлари ва уларнинг илгор тажрибачилари ҳақида ёзиш билан бирга, олга қараб қилаётган ҳаракатимизга тўсқинлик қилаётган камчиликларини ҳам дадил оуб ташламоқдалар. Қолқолларни, консерватор ва бюрократларни қаттиқ танқид қилмоқдалар. Уларнинг танқидий мулоҳазалари ва тақлиқлари ишчи ахшиларда, омманинг активлигини оширишда, капитализмнинг кишилар онгидида сарқитларига қарши, социалистик мулкни таловчиларга қарши, меҳнатга номуносиб муносабатда бўлаётган ишбемасларга қарши курашда партия ва совет ташкилотларига ёрдам бермоқда.

Партия ва совет ташкилотларининг бурчи — ишчи ва қишлоқ мухбирларининг матбуотда босилиб чиқадиган хабар ва мақолаларини ҳар тарафлама қўллаб-қув-

